


Ўлим ҳақ, сабаби ноаниқ



11:06 / 09.08.2020 4420

Бобби Лич исмли киши ўз номини Ниагара шаршасидан биринчи бўлиб сакраган инсон сифатида тарихда қолди. Сакраганидан ўн беш йил ўтиб апельсин пўстлоғига сирпаниб кетиб оёғини синдириб олди. Кейинроқ оёғида гангрена бошланиб оёғини кестиришга мажбур бўлди. Икки ой ўтиб касаллик асоратидан вафот этди. Момоларимиз айтишар эди:

«Умридан бўлса қийинчиликдан ўлмайди!».

Бобби Лич Ниагара шаршасидан сакраганида умридан бор экан, ўлмади, шикастланмади. Ўлимининг сабаби битта апельсиннинг пўстлоғига сирпаниши экан.

Мутанаббий айтган экан:

«Ким қилич билан ўлмаса бошқа нарса билан ўлади. Сабаблар кўп, ўлим биттадир!».

Қадарлар ёзилган, умрлар ҳисоблидир. Роббимиз ўз каломида нақадар рост айтган:

«Ҳар бир умматнинг ўз ажали бор. Ажаллари келган вақтда бирор соат ортга ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар!».

Рим папаси Павел иккинчи еб тўймас бўлган экан. Нафас йўлига тарвуз данаги тиқилиб ўлган экан.

Тайланд маликаси Сунандҳа Кумариратана дарёдан қайикда ўтаётib қайик ағдарилиб кетган экан. Унинг қўриқчилари у чўкаётганда томошабин бўлиб туришган. Чунки ўшанда маҳсус қонун бўлиб, ким маликага қўлини теккизса ўлимга ҳукм қилинар эди.

Греция қироли Александр маймун тишлишидан вафот этган.

Швеция қироли Адольф Фредерик қанд касаллигига чалинганини билмасдан бир товоқ ширинлик еган. Шунинг оқибатида ўлган.

Англия қироли Жорж II ҳаммомда тойилиб кетиб боши билан йиқилиб вафот этган.

Грек файласуфи, драматург Эсхилнинг бошига бургут тошбақа ташлаб юборган ва у ўлган. Одатда бургутлар тошбақани юқоридан ташлаб юборар экан. Унинг тоши сингандан сўнг ер экан!

Шундай экан, ўлим ҳақ, сабаби ноаниқ. Ибодатларни вақтида қилиб, сабабларни ўрнида қилиб хотиржам яшайверайлик. Барibir ўлимдан қочиб қутила олмаймиз!

Islom.uz портали таҳририяти